



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2026 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 5 декабрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 18 декабрда
маъқулланган

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тизимли муаммоларни ҳал этишга қаратилган таклифлар ва ташаббусларни амалга ошириш ҳамда очик мулоқотда белгиланган устувор вазифаларни бажариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан ҳар йили ўтказиладиган очик мулоқоти доирасида берилган топшириқларга мувофиқ солиққа оид чора-тадбирлар, шу жумладан сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича молиявий санкциялар суммаларини бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини, илк марта айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтган солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларини бериш, фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини тўлаш тартибини қўллаш чегарасини ошириш, солиқ тўловчиларни солиқ маслаҳатчилари ва аудиторлик ташкилотларининг хулосаси асосида соддалаштирилган тартибда ихтиёрий равишда тугатиш белгиланди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилотининг битимларига мувофиқлаштириш ва Хорижий инвесторлар кенгаши мажлисида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш зарурати юзага келмоқда.

Бундан ташқари ушбу Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида қўшилган қиймат солиғининг узлуксиз занжирини яратиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек мазкур Қонун мебелсозлик ва заргарлик соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга экспорт қилишни кенгайтиришга, аҳолининг даромадларини оширишга ҳамда минтакаларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳам йўналтирилган.

Ушбу Қонун 2026 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини ишлаб чиқишда назарда тутилган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11,

651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда, № 7, 828, 829, 832-моддалар, № 8, 968, 971-моддалар, № 11, 1233-модда) куйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **17³-моддадаги** «175-моддасининг иккинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар «175-моддасининг иккинчи, учинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **175-модда:**

иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаслик (бундан микрофирма ва кичик корхоналар мустасно), –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса – ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаслик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

учинчи – олтинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

куйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар бир календарь ойда бир нечта солиқ турлари бўйича содир этилган тақдирда, ўз вақтида тақдим этилмаган барча солиқ ҳисоботлари бўйича фақат битта жарима қўлланилади»;

3) **245-модданинг:**

биринчи қисмидаги «175-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар «175-моддасининг бешинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «175-моддасининг биринчи, учинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар «175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **245¹-модданинг биринчи қисмидаги** «175-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар «175-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **264-модданинг биринчи қисмидаги** «175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар «175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **271-модда:**

11-бандидаги «175-моддасининг биринчи, иккинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар «175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **14-банд** билан тўлдирилсин:

«14) агар солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан охирги уч ой ичида солиқ ҳисоботлари ўз вақтида тақдим этилган ва кейинги ҳисобот даври учун солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатининг кечиктирилиши беш иш кунидан ошмаган бўлса».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 8, 827-модда, № 10, 1073-модда; 2025 йил, № 4, 522-модда, № 6, 729-модда, № 8, 970-модда, № 10, 1153-модда) **48⁵-моддаси** қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига қаратиш бўйича маълумотларни алмашиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда амалга оширилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 463-модда, № 6, 577-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1008-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 12, 1280, 1286-моддалар; 2025 йил, № 3, 373-модда, № 6, 729-модда, № 9, 1042-модда, № 10, 1153-модда, № 11, 1237-модда) **217-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини ўттиз кундан ортиқ бўлган муддатга тўхтатиб туриш».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар; 2025 йил, № 2, 188, 194-моддалар, № 4, 519, 520, 521, 522-моддалар, № 5, 644, 645-моддалар, № 6, 729, 731-моддалар, № 8, 971, № 10, 1153) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **46-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўловчининг ваколатли давлат органларига юридик ва жисмоний шахслардан ундирилган жарималар тақсимооти тарзида маблағларни олишга доир фаолияти ваколатли давлат органига ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш сифатида эътироф этилади»;

2) **47-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарларни (хизматларни) реализация қилишда юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур товарларни (хизматларни) сотиб олувчиларга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт»;

3) **60-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**асосий фаолият тури** – юридик шахснинг ҳисобот даври яқунлари бўйича умумий реализация қилиш ҳажмидаги соф тушум улуши устунлик киладиган фаолият тури»;

иккинчи – ўн биринчи хатбошилари тегишинча **учинчи – ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **75-модда:**

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда ва (ёки) реализация қилинганда акциз солиғи, ер қабридан фойдаланганлик учун солиқдан, фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари, ушбу модданинг еттинчи қисми қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгиланган солиқ ставкасини камайтириш, лекин кўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан, фақат амортизация қилинадиган асосий воситаларни тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқини бериш тарзида, уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади»;

олтинчи – ўн иккинчи қисмлари тегишинча **еттинчи – ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи – ўн еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича берилган солиқ имтиёзлари жорий солиқ даврида солиқ тўловчилар томонидан ўтган календарь йил яқунлари бўйича қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда қўлланилади:

товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромад юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва (ёки) юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича фойдаланилган солиқ имтиёзининг суммасидан ошганда;

ҳар бир ходимга ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган ойлик иш ҳақи ҳисобланганда ва ходимларнинг йиллик ўртача сони камида уч нафарни ташкил этганда.

Ушбу модданинг ўн тўртинчи қисмида назарда тутилган шартларни аниқлашда:

солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари;

солиқ даври якунлари бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддати етиб келмаган тақдирда, охириги ўн икки ойда товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма инобатга олинади.

Ушбу модданинг ўн тўртинчи қисмида назарда тутилган шартлар қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахсларга;

маҳсулот тақсимотига оид битим иштирокчиларига;

нотижорат ташкилотларга ва бюджет ташкилотларига;

ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва ходимларининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар камида 50 фоизни ташкил этадиган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахсларга;

2026 йил 1 январга қадар махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини олган юридик шахсларга.

Солиқ даври давомида янги ташкил этилган солиқ тўловчиларга, шу жумладан янги тақдим этилган солиқ имтиёзларига нисбатан ушбу модданинг ўн тўртинчи қисми қоидалари кейинги солиқ даври якунлари бўйича қўлланилади, бундан қайта ташкил этилган юридик шахслар мустасно»;

5) **81-модданинг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«81-модда. Солиқ ҳисоботини шакллантириш ва тузиш»;

бешинчи қисми қуйидаги мазмундаги **бешинчи – саккизинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик шахслардан олинadиган ер солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва айланмадан олинadиган солиқ ҳисоботлари солиқ органларининг ахборот тизимида мавжуд бўлган ҳамда солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан шахсий кабинетдаги интерактив хизматга киритилган маълумотлар асосида солиқ органлари томонидан электрон шаклда шакллантирилади.

Солиқ органлари томонидан шакллантирилган ҳисобот маълумотлари солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ҳисоб ҳужжатларидан фарқ қилганда, солиқ тўловчи (солиқ агенти) мазкур ҳисоботга беш кун ичида, бироқ тегишли ҳисоботни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан тузатиш киритади ва уни тақдим этади.

Солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботида ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган муддатда тузатишлар киритилмаганлиги солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) солиқ органлари томонидан шакллантирилган ҳисоботга рози эканлигини билдиради ва солиқ органлари томонидан шакллантирилган ҳолда тақдим этилган деб ҳисобланади.

Солиқ органлари томонидан шакллантириладиган ҳисоботни тузиш, унга тузатиш киритиш ва уни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

6) 100-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда ушбу тартиб сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича ҳисобланган молиявий санкциялар суммасини тўлашга нисбатан ҳам татбиқ этилади»;

7) 120-модда:

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ органлари томонидан солиқ қарзи солиқ тўловчининг дебиторлари ҳисобидан ундирилиши мумкин. Солиқ қарзи бўйича ундирув солиқ тўловчининг дебиторлик қарзига ушбу Кодекснинг 121¹-моддасида назарда тутилган тартибда қаратилади»;

ўн тўртинчи қисми ўн бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

8) қуйидаги мазмундаги 121¹-модда билан тўлдирилсин:

«121¹-модда. Солиқ қарзини ундиришни солиқ тўловчининг дебиторлик қарзига қаратиш

Солиқ қарзи мавжуд бўлган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ органига солиқ қарзини ўз дебитори ҳисобидан ундиришни сўраб мурожаат қилишга ҳақли. Мурожаатга ўзаро тасдиқланган ёки бир томонлама имзоланган ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси илова қилиниши лозим.

Солиқ тўловчи солиқ қарзини ўз дебитори ҳисобидан ундиришни сўраб мурожаат қилган тақдирда, солиқ органи солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган бир томонлама имзоланган солиштирма далолатноманинг ва кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхасини уч иш кунидан кечиктирмай дебиторнинг шахсий кабинетига солиштирма далолатномани имзолаш учун ёки имзолашни рад этиш учун билдириш хати билан бирга юборади.

Солиқ тўловчининг дебитори билдириш хати олинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолаши (тасдиқлаши) ёки солиштирма далолатномада кўрсатилган қарз мавжуд эмаслигини асослаган ҳолда рад жавобини бериши шарт. Солиқ тўловчининг дебитори томонидан солиқ органининг билдириш хатига рад жавоби тақдим этилмаган ёки у жавобсиз қолдирилган тақдирда, дебиторлик қарзи тан олинган ва солиқ тўловчининг солиқ қарзини дебитор ҳисобидан ундиришга розилик берилган деб ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчининг дебитори томонидан тан олинган қарз суммаси солиштирма далолатномада кўрсатилган суммадан фарқ қилса, дебитор билдириш хати олинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида солиқ органига ўзи тан олган суммани кўрсатган ҳолда солиштирма далолатномани тақдим этиши шарт.

Солиқ тўловчининг дебитори томонидан имзоланган ёки электрон ҳужжат шаклида тасдиқланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси кредиторнинг имзоси мавжудлигидан ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, унинг кредитори солиқ қарзини ундиришни унга қаратиши учун асос бўлади. Ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган мажбурият солиқ тўловчининг дебитори томонидан бажарилмаган тақдирда, ундирув солиқ тўловчи тақдим этган солиштирма далолатнома асосида амалга оширилади.

Солиқ органи уч иш кунидан кечиктирмай дебиторларнинг банк ҳисобварақларига солиқ тўловчининг солиқ қарзи суммасидан ва дебиторлик қарзи суммасидан ошмайдиган миқдорда ундириш тўғрисида инкассо топшириқномаси тақдим этади.

Солиқ органи томонидан ўзида мавжуд бўлган ёки бошқа манбалардан олинган маълумотлар асосида ёхуд солиқ текширувлари натижасида солиқ тўловчининг дебиторлик қарзи мавжудлиги мустақил равишда аниқланган ҳолларда, солиқ қарзини ундириш ушбу моддада белгиланган тартибда солиқ тўловчининг дебиторлик қарзига қаратилиши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг дебиторлик қарзи аниқланган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда солиқ тўловчининг ўзига ва дебиторига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали билдириш хати юборилади.

Солиқ тўловчи ва унинг дебитори солиқ органининг билдириш хатини ушбу билдириш хати олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай тасдиқлаши ёки асосланган ҳолда рад этиши лозим. Билдириш хати жавобсиз қолдирилган тақдирда, дебиторлик (кредиторлик) қарзи тан олинган деб ҳисобланади.

Солиқ органининг ушбу моддага мувофиқ тақдим этилган инкассо топшириқномасининг ижросини банклар томонидан таъминлаш ёки солиқ органи томонидан ундириш, ижросиз чақириб олиш ушбу Кодекснинг 121-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дебиторлик қарзи солиқ тўловчига тўлаб берилганлиги ҳақида асословчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда ёки суд қарори асосида инкассо топшириқномаси солиқ органи томонидан уч иш кунидан кечиктирмай ижросиз қайтариб олинади.

Солиқ тўловчи билан унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг номи, уларнинг идентификация рақами;

солиқ тўловчи ва унинг дебитори солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органининг номи;

солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг банкдаги ҳисобварақлари реквизитлари;

дебиторнинг солиқ тўловчи олдидаги қарз суммаси;

солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг электрон ҳужжат шаклида тасдиқланган имзолари;

солиқ тўловчи ва унинг дебитори ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси тузилган сана.

Солиқ тўловчи билан унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси электрон ҳужжат шаклида тузилади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси солиқ тўловчиларга ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини электрон ҳужжат шаклида тақдим этиш, тасдиқлаш (қисман тасдиқлаш) ёки рад этиш имкониятини яратади.

Қуйидаги ҳолларда солиқ қарзини ундириш солиқ тўловчининг дебиторлик қарзига қаратилмайди, агар:

дебиторлик қарз суммаси асосланган ҳолда рад этилган бўлса;

даъво муддати ўтган бўлса;

дебитордан ундирилиши лозим бўлган қарз суммаси бўйича суд ҳужжати мажбурий ижро органининг иш юритувида бўлса ёки уни ижрога тақдим этиш муддати ўтган бўлса ёхуд ушбу суд ҳужжати бўйича ижро ҳаракатлари белгиланган тартибда тўхтатиб турилган, тугатилган ёки кечиктирилган (бўлиб-бўлиб ижро этилган) бўлса;

у Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўловчиси бўлмаса;

у жисмоний шахс бўлса;

дебитор тугатилиш жараёнида бўлса ёки унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилган бўлса;

дебиторнинг фаолияти тугатилган ёки юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилган бўлса.

Солиқ органи томонидан ундирувнинг дебиторлик қарзига қаратилиши солиқ тўловчини солиқ қарзи тўлангунига қадар солиқларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди»;

9) 133-модда:

ўн учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«импорт операциялари тўғрисидаги ахборотни, товарлар, шунингдек миллий ва хорижий электрон савдо майдончаларида (электрон савдо платформаларида) хорижий давлатларга реализация қилинган товарлар божхона чегарасини кесиб ўтганидан кейин экспорт операциялари бўйича ахборотни ҳамда товарларни олиб ўтиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали электрон тижорат шаклида амалга оширилган товарларни олиб ўтиш ҳақидаги ахборотни реал вақт режимида»;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик харита маълумотларини ахборот тизими орқали электрон шаклда тақдим этиши шарт»;

ўн тўртинчи – ўн тўққизинчи қисмлари тегишинча **ўн бешинчи – йигирманчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

10) **137-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) трансферт нархнинг шаклланишини текшириш»;

11) **138-модданинг:**

учинчи қисм қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда солиқ аудити ўтказилган ёки ўтказилаётган солиқ даври учун текширувдан олдинги таҳлил ўтказилмайди»;

ўнинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда айнан битта солиқ (ҳисобот) даври учун айнан бир хил солиқлар бўйича қайта камерал солиқ текширувини ўтказиш мумкин эмас, бундан камерал солиқ текширувини ўтказиш чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган ҳоллар мустасно»;

12) **139-модданинг еттинчи қисми** «солиқ текшируви далолатномасини топширилган» деган сўзлардан кейин «ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон ҳужжат тарзида юборилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) **157-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Солиқ аудити» деган сўзлар «Солиқ аудити, сайёр солиқ текшируви ёки қўзғатилган жиноят иши доирасида ўтказилган тафтиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган, солиқ текшируви ва (ёки) солиқ назоратининг бошқа тадбирлари натижасида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, агар ушбу Кодекснинг 159¹-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 165 ва 166-моддаларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқиладиган»;

14) **158-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари қайси солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви давомида аниқланган бўлса, ўша солиқ аудити далолатномаси ва (ёки) сайёр солиқ текшируви материаллари, агар ушбу Кодекснинг 159¹-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ текширувини ўтказган солиқ органи ёки солиқ текшируви бошқа ҳудудий солиқ органи ёхуд бошқа ваколатли орган томонидан ўтказилган ҳолларда, шу солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган солиқ органининг раҳбари (раҳбари ўринбосари) томонидан ушбу солиқ текшируви далолатномаси тузилган кундан эътиборан ўн кун ўтгач, лекин ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши керак. Уларга доир қарор солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилганидан кейин беш кундан кечиктирмай қабул қилиниши лозим»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ органи текширув материаллари кўриб чиқиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида солиқ тўловчини уларни кўриб чиқиш бошланғунига қадар камида икки иш куни олдин хабардор қилади. Солиқ тўловчининг илтимосномаси ёки солиқ органининг ташаббуси (солиқ тўловчининг розилиги) билан, тарафларда видеоконференцалокани амалга оширишнинг техник имконияти мавжуд бўлганда текширув материаллари видеоконференцалока режимида кўриб чиқилиши ва унинг аудио-визуал тартибда ёзиб олинган шакли солиқ тўловчига унинг шахсий кабинети орқали етказиб берилиши мумкин. Текширув материаллари ушбу режимда кўриб чиқиладиган сана ва электрон манзил ҳақида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига кўриб чиқиш бошланғунига қадар камида икки иш куни олдин хабар юборилади»;

тўртинчи қисмидаги «камида беш кун муддатга» деган сўзлар «беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 159-модда биринчи қисмининг:

биринчи хатбошиси «солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари)» деган сўзлардан кейин «агар ушбу Кодекснинг 159¹-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

1-бандидаги «солиқ аудити материаллари бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) қуйидаги мазмундаги 159¹-модда билан тўлдирилсин:

«159¹-модда. Айрим ҳолларда сайёр солиқ текширувини ташкил этиш, текширув материалларини кўриб чиқиш ҳамда натижалари бўйича қарор қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ органлари ходимлари томонидан уларга бириктирилган корхоналардаги ёки маҳаллалардаги солиқ тўловчиларда ушбу Кодекс 221-моддасининг биринчи қисмида, 223-моддаси учинчи қисмининг ўн учинчи ва ўн бешинчи хатбошиларида, 429-моддасининг ўн еттинчи қисмида белгиланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ёки ҳолатлар содир этилгани аниқланган тақдирда, биринчи марта расмий огоҳлантирилади ва ушбу ҳужжат электрон тарзда солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади. Мазкур солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ёки ҳолатлар расмий огоҳлантиришдан кейин уч кун муддатда бартараф этилмаган ва (ёки) улар қайта содир этилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу солиқ тўловчида сайёр солиқ текширувлари ўтказилади.

Ушбу Кодекс 223-моддаси учинчи қисмининг ўн учинчи ва ўн бешинчи хатбошиларида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича сайёр солиқ текшируви материаллари солиқ текширувини ўтказган солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ушбу солиқ текшируви далолатномаси тузилган кундан эътиборан бир кун ўтгач, лекин уч кундан кечиртirmay кўриб чиқилиши керак. Уларга доир қарор солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилганидан кейин бир кундан кечиктirmay қабул қилиниши лозим.

Ушбу Кодекс 165-моддасининг иккинчи қисмида ва олтинчи – ўн саккизинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар мазкур Кодекс 221-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳамда 429-моддасининг ўн еттинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бўйича ўтказилган сайёр солиқ текшируви далолатномасига нисбатан қўлланилмайди. Мазкур ҳуқуқбузарликлар ёки ҳолатлар бўйича ўтказилган сайёр солиқ текшируви тўғрисида тузилган далолатнома асосида қарор солиқ текширувини ўтказган солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ушбу солиқ текшируви далолатномаси тузилган кундан эътиборан бир кун ўтгач, лекин уч кундан кечиртирмай қабул қилиниши лозим.

Сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича ушбу моддада назарда тутилган тартибда қабул қилинган қарор ўзига нисбатан ушбу қарор қабул қилинган шахсга (шахснинг вакилига) берилган ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон ҳужжат тарзида юборилган кундан эътиборан уч кун ўтгач кучга киради.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни ёки ҳолатларни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектини расмий огоҳлантириш шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

17) **160-модданинг биринчи қисми** «тартибда қабул қилинган қарор» деган сўзлардан кейин «агар ушбу Кодекснинг 159¹-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18) **180-модда:**

еттинчи қисмидаги «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмидаги «Давлат солиқ қўмитасининг» деган сўзлар «Солиқ қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фоизсиз қарз (маблағлар) бериш бўйича ўзаро боғлиқ шахслар ўртасида тузилган битимлар, агар бундай битимларда иштирок этувчи барча тарафлар ва фойда олувчилар Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари ҳисобланса ҳамда ушбу қарз шартномалари бўйича мажбуриятлар фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажарилса, назорат қилинадиган битимлар деб эътироф этилмайди»;

19) **219-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисми қоидалари 2026 йил 1 январдан бошлаб илк марта айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтган солиқ тўловчиларга нисбатан улар қўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиш мажбурияти юзага келган муддатдан эътиборан бир йил ичида рўйхатдан ўтган ҳолларда татбиқ этилмайди»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

20) 221-модданинг:

номи ва биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«221-модда. Назорат-касса техникасининг, ҳисоб-китоб терминалларининг, электрон тўлов тизимларининг ва тўлов ташкилотларининг рақамли платформаларида генерация қилинган махсус QR-кодларнинг қўлланилиш тартибини бузиш

Назорат-касса техникасининг, ҳисоб-китоб терминалларининг, электрон тўлов тизимларининг ва (ёки) тўлов ташкилотларининг рақамли платформаларида генерация қилинган махсус QR-кодларнинг қўлланилиши мажбурий бўлгани ҳолда, уларни қўлламадан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига қвитанциялар ёзиб бериш, талонларни, чекларни ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунингдек ҳисоб-китоб терминаллари, электрон тўлов тизимлари ва (ёки) тўлов ташкилотларининг рақамли платформаларида генерация қилинган махсус QR-кодлар орқали тўловларни қабул қилишни рад этганлик, – беш миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқа шахслар номига расмийлаштирилган ҳисоб-китоб терминалларида ёки тўлов ташкилотларининг рақамли платформаларида рўйхатдан ўтган бошқа солиқ тўловчиларга тегишли бўлган махсус QR-коддан солиқ тўловчи томонидан фойдаланилиши, –

йигирма миллион сўм миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

21) 243-модда биринчи қисмининг 18-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18) қимматбаҳо металлдан ишланган банк ва ўлчовли куймаларини, қимматбаҳо металлдан ишланган куйма (инвестиция) тангаларни (нумизматика мақсадлари учун фойдаланиладиган тангалардан, шунингдек қимматбаҳо металлдан ишланган чет эл тангаларидан ташқари), қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган парчаларни ва чиқиндиларни, қимматбаҳо металлларнинг ўлчов пластиналари ва гранулаларини, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни»;

22) 248-модда:

қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 46-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда солиқ базаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган, ундирилган жарималар тақсимооти тарзида олинган, солиқни ўз ичига олган ҳолда ҳақ суммасидан аниқланади»;

ўн бешинчи қисми ўн олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

23) 261-модда биринчи қисмининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш учун асос бўлган божхона юк декларацияси, миллий ва хорижий электрон савдо майдончаларида (электрон савдо платформаларида) хорижий давлатларга реализация қилинган товарлар бўйича Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар»;

24) 263-модда биринчи қисмининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) халқаро ташишда ҳаво кемаларига бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудида кўрсатиладиган хизматларни, шу жумладан аэронавигация хизматларини»;

25) 264-модда қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (бундан пахта ва ғалла мустасно) рўйхатига киритилган товарларни реализация қилиш айланмасига нисбатан ноль даражали ставкада солиқ солинади»;

26) 266-модда биринчи қисмининг 4-бандидаги «255 ва 256-моддаларида» деган сўзлар «255, 256 ва 266¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) 266¹-модда қуйидаги мазмундаги **учинчи – тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ҳисобварақ-фактуралар солиқ хавфининг юқори даражасига киритилган тақдирда, мазкур ҳисобварақ-фактуралар асосида товарларни етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқ операциялар бўйича солиқ суммасини ҳисобга олиш мақсадида солиқ солиқ агенти томонидан тўланиши мумкин. Бунда солиқ тўловчи бўлган ва солиқ тўловчидан товарларни (хизматларни) олувчи юридик шахс, якка тартибдаги тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс солиқ агенти деб эътироф этилади.

Товарларни (хизматларни) етказиб берувчида солиқ бўйича салбий фарқ ёки ортикча тўлов суммаси ҳосил бўлган тақдирда, бундай сумма солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобидан ҳисобга олиниши ёхуд ушбу Кодексда белгиланган тартибда қопланиши (қайтарилиши) мумкин.

Товарларни етказиб берувчилар (хизматлар кўрсатувчилар) томонидан расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактураларнинг юқори хавф даражасига кириши улар томонидан олинган товарлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ушбу бўлимда белгиланган тартибда ҳисобга олиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда солиқ суммалари солиқ агентида тегишли солиқ суммаси бюджетга тўланган солиқ даврида ҳисобга олинади, бундан ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ҳисобот такдим этишнинг охирги муддати етиб келмаган солиқ даврига тааллуқли ҳисобварақ-фактуралар бўйича тўлов амалга оширилган тақдирда, солиқ агентида мазкур ҳисобварақ-фактуралар санаси бўйича тегишли солиқ даврида ҳисобга олинади.

Ҳисобварақ-фактураларнинг хавф даражасини аниқлаш, реестрини юритиш, бундай ҳисобварақ-фактуралар асосида солиқ тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар харидор томонидан паст хавф даражасига киритилган ҳисобварақ-фактуралар бўйича ҳисобга олинган солиқ суммалари қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида юзага келганлигига оид далиллар мавжуд бўлса, солиқ органлари ушбу ҳисобварақ-фактуралар бўйича ҳисобга олишни бекор қилишга ёки унга тузатиш киритишга ҳақли, бундан харидор томонидан дастлаб юқори хавф даражасига киритилган ҳисобварақ-фактуралар бўйича ушбу моддада белгиланган тартибда солиқ тўланганлиги сабабли ҳисобга олинган солиқ суммалари мустасно»;

28) 267-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юқори хавф даражасига киритилган ҳисобварақ-фактуралар асосида товарларни (хизматларни) харид қилган харидорлар томонидан мазкур ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинмайди, бундан ушбу Кодекснинг 266¹-моддасида назарда тутилган тартибда солиқ суммаси тўланган ҳоллар мустасно»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

29) 274-модданинг:

тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги **8 ва 9-бандлар** билан тўлдирилсин:

«8) қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчиларга (бундан пахта ва ғалла мустасно);

9) ўз фаолиятини кичик тадбиркорлик субъектидан ўрта ёки йирик тоифага, ўрта тадбиркорлик субъектидан йирик тоифага йириклаштирган тадбиркорлик субъектларига – тегишли тоифага ўтган санадан эътиборан бир йил давомида. Бунда мазкур тартиб тадбиркорлик субъектларининг фаолияти давомида бир маротаба қўлланилади. Ушбу банд қоидалари тегишли тоифага ўтганидан кейин қайта ташкил этилган субъектнинг ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) нисбатан татбиқ этилмайди»;

бешинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқнинг ўрнини тезлаштирилган тартибда қоплашда солиқ тўловчи томонидан қайтариш учун солиқ ҳисоботида кўрсатилган солиқ суммасининг ўрни унга етти кун ичида, ушбу модда тўртинчи қисмининг 7-бандида кўрсатилган солиқ тўловчиларга бир кун ичида тўлиқ ҳажмда, ушбу модда тўртинчи қисмининг 8-бандида кўрсатилган солиқ тўловчиларга эса автоматик тарзда уч кун ичида қопланади»;

30) 289¹-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Тамаки маҳсулотларига нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги
микдорларда белгиланади:

Т/р	Тамаки маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари
1.	Филтрли, филтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретек	2026 йил 1 январдан: 340 000 сўм/ 1 000 дона 2026 йил 1 июлдан: 365 000 сўм/ 1 000 дона
2.	Сигара	2026 йил 1 январдан: 20 000 сўм/1 дона 2026 йил 1 февралдан: 21 500 сўм/1 дона
3.	Чилим учун тамаки*	2026 йил 1 январдан: 600 000 сўм/кг 2026 йил 1 февралдан: 642 000 сўм/кг
4.	Чекиладиган, ўрама тамаки	2026 йил 1 январдан: 600 000 сўм/кг 2026 йил 1 февралдан: 642 000 сўм/кг
5.	Чайналадиган, хидланадиган ва шимиладиган тамаки	382 000 сўм/кг
6.	Қиздириладиган тамаки таёқчаси, қиздириладиган тамакили капсула ва таркибида тамаки мавжуд бўлган ўхшаш тамойил билан фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар	2026 йил 1 январдан: 450 000 сўм/кг 2026 йил 1 февралдан: 481 500 сўм/кг
7.	Никотинли тамакисиз снюс	154 000 сўм/кг
8.	Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик (картрижларда, резервуарларда ва электрон сигаретларда фойдаланиш учун бошқа контейнерларда)**	2026 йил 1 январдан: 2 000 сўм/мл 2026 йил 1 февралдан: 2 140 сўм/мл

* Белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ чилим учун тамакисиз аралашмани олиб киришда ҳам тўланади.

** Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқликни (никотинни) уни истеъмол қилиш (электрон ва бошқалар) тизимларида олиб киришда солиқ таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тўланади»;

31) **289²-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Алкоголь маҳсулотларига нисбатан солиқ ставкалари куйидаги микдорларда белгиланади:

Т/р	Алкоголь маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари (1 литр учун)	
		импорт килинганда	ишлаб чиқариладиган
1.	Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфиральдегидли фракциядан техник этил спирти, шунингдек дон дистиляти	15 000 сўм	
2.	Этил спиртининг бошланғич фракцияси (бундан техник спиртни олиш учун сарфланган этил спиртининг бошланғич фракцияси мустасно)	5 000 сўм	
3.	Ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари (акциз тўланадиган товар таркибидаги сувсиз этил спиртининг 1 литри учун, бундан 4 ва 5-бандлар мустасно)	2026 йил 1 январдан: 76 000 сўм	2026 йил 1 январдан: 44 000 сўм
		2026 йил 1 февралдан: 60 000 сўм	2026 йил 1 февралдан: 48 000 сўм
		2026 йил 1 июлдан: 48 000 сўм	
4.	Вино:		
	табiiй равишда ачитилган табiiй винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	2026 йил 1 январдан: 14 000 сўм	2026 йил 1 январдан: 5 000 сўм
		2026 йил 1 февралдан: 12 000 сўм	2026 йил 1 февралдан: 7 000 сўм
		2026 йил 1 июлдан: 10 000 сўм	
	бошқа винолар, шу жумладан вермут	2026 йил 1 январдан: 20 000 сўм	2026 йил 1 январдан: 6 000 сўм
		2026 йил 1 февралдан: 15 000 сўм	2026 йил 1 февралдан: 9 000 сўм
		2026 йил 1 июлдан: 12 000 сўм	

5.	Пиво	2026 йил 1 январдан: 6 000 сўм	2026 йил 1 январдан: 2 000 сўм
		2026 йил 1 февралдан: 5 000 сўм	2026 йил 1 февралдан: 3 000 сўм
		2026 йил 1 июлдан: 4 000 сўм	

»;

32) 289³-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарларга нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги микдорларда белгиланади:

Т/р	Товарлар номи	Солиқ ставкалари	
		2026 йил 1 январдан	2026 йил 1 апрелдан
1.	Нефть маҳсулотлари:		
	АИ-80 ва ундан юқори бензин	375 000 сўм/тонна	402 000 сўм/тонна
	АИ-91 ва ундан юқори бензин	335 000 сўм/тонна	360 000 сўм/тонна
	авиакеросин (синтетикдан ташқари)	300 000 сўм/тонна	321 000 сўм/тонна
	дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	360 000 сўм/тонна	385 000 сўм/тонна
	ЭКО дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	325 000 сўм/тонна	348 000 сўм/тонна
	дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	510 000 сўм/тонна	546 000 сўм/тонна
2.	Полиэтилен гранулалар	10%	
3.	Табиий газ	12%	
4.	Якуний истеъмолчига реализация қилинадиган:		
	АИ-80 ва ундан юқори бензин	1 литр учун 525 сўм/ 1 тонна учун 700 000 сўм	1 литр учун 562 сўм/ 1 тонна учун 750 000 сўм
	АИ-91 ва ундан юқори бензин	1 литр учун 470 сўм/ 1 тонна учун 621 000 сўм	1 литр учун 505 сўм/ 1 тонна учун 665 000 сўм
	дизель ёқилғиси	1 литр учун 525 сўм/ 1 тонна учун 635 000 сўм	1 литр учун 562 сўм/ 1 тонна учун 680 000 сўм

	суюлтирилган газ	1 литр учун 525 сўм/ 1 тонна учун 1 000 000 сўм	1 литр учун 562 сўм/ 1 тонна учун 1 070 000 сўм
	сиқилган газ	1 куб метр учун 750 сўм	1 куб метр учун 805 сўм
5.	Истеъмол кадоғига қадокланган ичимликлар (бундан умумий овқатланиш соҳасидаги корхоналар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тайёрланиб истеъмолчиларга реализация қилинган ичимликлар мустасно)*:		
	таркибида шакар мавжуд бўлган ичимликлар (100 мл маҳсулот таркибидаги шакар миқдорига қараб)	1 литр учун 500 сўм	5 граммгача: 1 литр учун 500 сўм 5 граммдан 10 граммгача: 1 литр учун 515 сўм 10 грамм ва ундан юқори: 1 литр учун 535 сўм
	таркибида бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар мавжуд бўлган ичимликлар	1 литр учун 500 сўм	
6.	Энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликлар	1 литр учун 2 000 сўм	1 литр учун 2 150 сўм
7.	Юпқа тўғралган ёки юпқа шаклга келтирилган, қовурилган ёки қуритилган, истеъмол кадоғига қадокланган, таркибида картошка ёки унинг таъмини берувчи қўшимчалар бўлган маҳсулотлар (чипслар) **		1 кг маҳсулот учун 15 000 сўм

* Мевалар ва (ёки) сабзавотлардан тайёрланган, табиий ширин бўлган ҳамда таркибида қўшимча шакар ва бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар мавжуд бўлмаган шарбатларга нисбатан солиқ қўлланилмайди.

**** Белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ ишлаб чиқарувчи юридик шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб кирувчилар томонидан тўланади»;**

тўртинчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 5-бандида назарда тутилган товарлар таркибидаги шакар миқдори бўйича маълумот истеъмол қадосида кўрсатилмаган тақдирда, уларга нисбатан энг юқори солиқ ставкаси қўлланилади»;

33) 298-модданинг иккинчи қисмидаги «йигирма олтинчи ва йигирма еттинчи» деган сўзлар «йигирма бешинчи ва йигирма олтинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) 305-модданинг ўн иккинчи қисмидаги «еттинчи» деган сўз «олтинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

35) 306-модда:

тўртинчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Куйидагилар ҳам амортизация қилинадиган актив деб эътироф этилади:

ижарага берувчининг (қарз берувчининг) розилиги билан ижарага ва (ёки) бепул фойдаланишга берилган амортизация қилинадиган активга ижарага олувчи (қарз олувчи) томонидан амалга оширилган ажратиб бўлмайдиган яхшилаш шаклидаги капитал қўйилмалар;

солиқ тўловчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан ижтимоий инфратузилма (электр, газ, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти, канализация, йўл) тармоқларини қуриш харажатлари. Бунда мазкур харажатлар ижтимоий инфратузилма тармоқлари тегишли таъминотчи ташкилотга беғараз топширилган ҳамда Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказининг тегишли ҳулосаси солиқ органига тақдим этилган тақдирда асослантирилган деб ҳисобланади»;

ўнинчи қисмидаги «ушбу модданинг ўнинчи қисмида» деган сўзлар «ушбу модданинг тўққизинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма саккизинчи қисмидаги «ушбу модданинг ўн еттинчи қисмида» деган сўзлар «ушбу модданинг ўн олтинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўттиз бешинчи қисмидаги «Ушбу модда ўттиз бешинчи қисмининг» деган сўзлар «Ушбу модда ўттиз тўртинчи қисмининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўттиз еттинчи қисмидаги «Ушбу модданинг саккизинчи қисмига» деган сўзлар «Ушбу модданинг еттинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **қирқинчи – қирқ тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар солиқ тўловчи ушбу Кодекс 75-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли бўлса, у ҳолда солиқ тўловчи солиқ базасини амортизация қилинадиган асосий воситаларнинг амортизация қилинмаган (қолдиқ) қийматини тезлаштирилган амортизация қилиш орқали солиқ базасига тенг миқдоргача камайтириш ҳуқуқига эга.

Тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқи солиқ солинадиган даромадлар олиш билан боғлиқ бўлмаган, солиқ тўловчининг таъсисчилари томонидан унинг устав фондига (устав капиталига) киритилган ёхуд оператив ижарага берилган асосий воситаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Солиқ базаси ҳар бир солиқ даврида солиқ бўйича шаклланган солиқ базаси миқдори доирасида, лекин кўпи билан уч йил муддатга камайтирилиши мумкин. Тезлаштирилган амортизация қилиш муддати яқунланганидан кейин амортизация қилинадиган асосий воситалар ушбу моддага мувофиқ амортизация нормалари доирасида амортизация қилинади.

Тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқи берилган даврда ушбу ҳуқуқ қўлланилган амортизация қилинадиган асосий воситалар реализация қилинган, бепул берилган ва бошқача тарзда (бундан табиий офат, ёнгин, авария ва шунга ўхшаш бошқа ҳоллар мустасно) чиқиб кетган тақдирда, тезлаштирилган амортизация суммаси бундай активнинг чиқиб кетиши юз берган ҳисобот (солиқ) даврида солиқ базасига тиклаш орқали бекор қилинади.

Ушбу моддага мувофиқ норма доирасида ҳисобланган амортизация ажратмалари ва тезлаштирилган амортизация суммаси ҳамда ушбу Кодекснинг 308-моддасига асосан ҳисобланган инвестиция чегирмаларининг жами қиймати амортизацияланадиган қийматдан ошмаслиги лозим»;

36) 311-модда тўртинчи қисмининг биринчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Амортизация ажратмаларининг ҳар йилги суммаси ҳар ойда тенг улушларда, солиқ тўловчининг хоҳишига кўра белгиланадиган амортизация нормасини қўллаш йўли билан»;

37) 337-модда:

биринчи қисмининг 8-банди чиқариб ташлансин;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўн учинчи қисмлари тегишинча **бешинчи – ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2022 йил 1 сентябрдан кейин жами даромади жорий солиқ даври мобайнида илк марта ўн миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар (бундан ушбу модданинг ўн учинчи қисмида назарда тутилган солиқ тўловчилар мустасно) ушбу модда биринчи қисмининг 12-бандида белгиланган солиқ ставкасини 50 фоизга пасайтиришга – жорий солиқ даври ва кейинги солиқ даври мобайнида, башарти пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланиладиган солиқ даврларида жами даромади юз миллиард сўмдан ошмаса, ҳақли»;

саккизинчи қисмидаги «саккизинчи қисмининг иккинчи хатбошисида» деган сўзлар «ўн учинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг еттинчи ва ўн учинчи қисмларида назарда тутилган солиқ имтиёзи ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ва акциз солиғини тўловчиларга нисбатан, шунингдек солиқ тўловчи тугатилган ҳолларда ва (ёки) берилган солиқ имтиёзини қўллаш учун икки ва ундан ортиқ тадбиркорлик субъекти ўртасида солиқ тўловчининг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларини ажратиш (бўлиш) фактлари аниқланган тақдирда, татбиқ этилмайди»;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«2026 йил 1 январдан бошлаб илк маротаба солиқ тўлашга ўтган айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар – солиқ тўлашга ўтган йилдан кейинги бир солиқ даври мобайнида солиқ тўлашдан (бундан дивиденд ва фоизли даромадлар мустасно) озод қилинади. Мазкур тартиб қайта ташкил этилган солиқ тўловчиларга нисбатан татбиқ этилмайди»;

38) 340-модданинг:

иккинчи қисмидаги «ўн» деган сўз «йигирма» деган сўз билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «ўн» деган сўз «йигирма» деган сўз билан алмаштирилсин;

39) 354-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси юридик шахси томонидан норезидентга дивидендлар тўлаш пайтида ушлаб қолинадиган норезидент даромадидан олинадиган солиқ суммаси ушбу юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг бошқа юридик шахсларидан олинган дивидендларидан илгари тўланган солиқ суммасига қуйидаги шартлар бажарилганда камайтирилади:

норезидент дивидендлар тўловчи Ўзбекистон Республикаси юридик шахсининг устав фондида (устав капиталида) камида йигирма беш фоизлик иштирок улушига эга бўлса;

мазкур улушга эгалик қилиш дивидендларнинг тўланиш санасидан олдинги камида 365 календарь кун давомида узлуксиз амалга оширилган бўлса;

олинган дивидендлардан тўланган солиқ суммаси илгари норезидентнинг дивидендлар тарзидаги даромадидан олинадиган солиқни аниқлашда ҳисобга олинмаган бўлса;

солиқ агенти Ўзбекистон Республикаси юридик шахси Ўзбекистон Республикасининг бошқа юридик шахсларидан олинган дивидендлардан солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олган бўлса»;

учинчи – ўн иккинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

саккизинчи қисмидаги «ушбу модданинг ўн иккинчи қисмида» деган сўзлар «ушбу модданинг ўн учинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) 365-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган ҳамда ушбу Кодекснинг XX бўлимига мувофиқ айланмадан олинадиган солиқ солинадиган даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди»;

41) 369-модда:

биринчи қисмининг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) ўқувчилар ва талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси профессионал ва олий таълим ташкилотлари ҳудудида пулли ўқув курсларини, спорт тўғаракларини ташкил этишдан ва бошқа таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлари»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи қисми иккинчи қисм деб ҳисоблансин;

42) 373-модданинг 12-бандидаги «369-моддаси учинчи қисмининг» деган сўзлар «369-моддаси иккинчи қисмининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) 376-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «369-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар «369-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

44) 383-модда чиқариб ташлансин;

45) 385-модданинг:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифалари солиқни ушбу Кодекснинг 397-моддасида белгиланган тартибда жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация асосида тўлашни танлашга ҳақли»;

учинчи қисмининг 1-банди чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмидаги «солиқни қатъий белгиланган миқдорда» деган сўзлар «айланмадан олинадиган солиқни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслардан олинадиган солиқ солиқ агенти томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва тўлов манбаида ушлаб қолинади»;

46) **392-модда** чиқариб ташласин;

47) **403-модда тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «369-моддаси учинчи қисмининг» деган сўзлар «369-моддаси иккинчи қисмининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

48) **412-модда биринчи қисми 1-бандининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тошкент шаҳрида – уч миллион беш юз ўттиз минг сўм;

Нукус шаҳрида ва вилоят марказларида – икки миллион уч юз эллик минг сўм;

бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда – бир миллион уч юз тўқсон минг сўм»;

49) **415-модда учинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «0,65» рақами «0,7» рақами билан алмаштирилсин;

50) **422-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Солиқ солиш объектлари	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (умумий майдони 200 кв.м гача бўлганларини қўшиб ҳисоблаганда), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар	0,36
2.	Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони:	
	200 кв.м дан ортиқ ва 500 кв.м гача бўлган	0,48
	500 кв.м дан ортиқ бўлган	0,64
3.	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари	0,48
4.	Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромадлар олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари	1,5

»;

51) **424-модданинг иккинчи қисмидаги** «Туман (шаҳар) ҳокими билан тузилган» деган сўзлар «Туман (шаҳар) ҳокими, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари билан тузилган ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказадиган органларда рўйхатдан ўтказилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

52) **429-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкалари республика ҳудудлари кесимида 1 гектар учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Республика ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси (млн сўмда)
Тошкент шаҳри:	
1 зона	319,0
2 зона	254,2
3 зона	196,6
4 зона	130,6
5 зона	65,9
Қорақалпоғистон Республикаси	41,2
Андижон вилояти	51,8
Бухоро вилояти	42,4
Жиззах вилояти	42,4
Қашқадарё вилояти	42,4
Навоий вилояти	42,4
Наманган вилояти	51,8
Самарқанд вилояти	51,8
Сурхондарё вилояти	37,7
Сирдарё вилояти	31,8
Тошкент вилояти	43,5
Фарғона вилояти	43,5
Хоразм вилояти	42,4

қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун белгиланган ставкага нисбатан 0,5 дан 1,2 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллашга ҳақли.

Иссиқхона хўжаликлари эгаллаган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан белгиланган ставкаларда тўланади. Бунда мазкур ер участкаларининг норматив қиймати қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади»;

бешинчи – ўн олтинчи қисмлари тегишинча **еттинчи – ўн сакқизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «0,45» рақами «0,48» рақами билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисмидаги «Ушбу модданинг олтинчи ва еттинчи қисмлари» деган сўзлар «Ушбу модданинг сакқизинчи ва тўққизинчи қисмлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда ушбу модда тўққизинчи қисмининг иккинчи – бешинчи хатбошиларида назарда тутилган объектларга нисбатан республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари бўйича ўртача белгиланган солиқ ставкасига нисбатан 0,48 коэффициент қўлланилади»;

ўн сакқизинчи қисмидаги «ушбу модданинг ўн бешинчи қисмида» деган сўзлар «ушбу модданинг ўн еттинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

53) 433-модданинг иккинчи қисмидаги «Туман (шаҳар) ҳокими билан тузилган» деган сўзлар «Туман (шаҳар) ҳокими, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари билан тузилган ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказадиган органларда рўйхатдан ўтказилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

54) 437-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв. м учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун, шунингдек жисмоний шахсларга берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари мустасно):

Республика ҳудудлари	1 кв. м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)
Тошкент шаҳри:	
1 зона	1 856
2 зона	1 574
3 зона	1 290
4 зона	1 014
5 зона	725
Қорақалпоғистон Республикаси	377
Андижон вилояти	463
Бухоро вилояти	377
Жиззах вилояти	377

Қашқадарё вилояти	377
Навоий вилояти	377
Наманган вилояти	463
Самарқанд вилояти	463
Сурхондарё вилояти	353
Сирдарё вилояти	297
Тошкент вилояти	392
Фарғона вилояти	392
Хоразм вилояти	377

»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун белгиланган ставкага нисбатан 0,5 дан 1,2 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллашга ҳақли.

Иссиқхона хўжаликлари эгаллаган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан белгиланган ставкаларда тўланади. Бунда мазкур ер участкаларининг норматив қиймати қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади»;

тўртинчи – тўққизинчи қисмлари тегишинча **олтинчи – ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмидаги «429-моддасининг тўққизинчи ва ўнинчи қисмларида» деган сўзлар «429-моддасининг ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

55) **445-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган лимит доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари бир куб метр учун мутлақ ўлчамда, қуйидаги микдорларда белгиланади:

Т/р	Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектлари	1 куб метр учун солиқ ставкаси (сўмда)	
		ер усти сув ресурслари манбалари	ер ости сув ресурслари манбалари
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (бундан 2-бандда кўрсатилганлар мустасно), шу жумладан саноат корхоналари, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектларига эга бўлган жисмоний шахслар	749	910

2.	Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	118	144
3.	Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳкон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ерларига эга бўлган жисмоний шахслар	107	107
4.	Автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажми	16 050	16 050
5.	Алкоголсиз ичимликларни ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	40 660	40 660

»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари:

солиқ ставкасига нисбатан 0,7 гача камайтирувчи ёки 1,5 гача оширувчи коэффицентларни белгилашга (бундан ушбу модда биринчи қисмининг 2 ва 3-бандлари, шунингдек рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган йирик солиқ тўловчилар мустасно);

юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, лазерли текислаш лозим бўлган суғориладиган ерлари лазерли текисланмаган тақдирда, ушбу ерлар учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ ставкаларига нисбатан 1,2 гача оширувчи коэффицент қўллашга ҳақли»;

56) 452-модда:

биринчи қисмининг:

7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 7.	Кон-кимё хомашёси	Минерал пигментлар	5,5
		Йод	4,8
		Минерал тузлар (тош туз (овқатга ишлатиладигани), калий тузи, сульфат тузи), карбонат хомашёси (оҳактошлар, доломитлар), минерал ўғитлар (глауконит, фосфоритлар ва бошқалар) ҳамда бошқа кон-кимё хомашёси	3,5, бироқ 6 591 сўм/куб.м дан кам бўлмаган

»;

9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 9.	Норуда қурилиш материаллари	Цемент хомашёси, бундан цемент ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактош мустасно	5
		Цемент ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактош	7062 сўм/тонна*

	Арраланадиган харсангтош, харсангтош, оҳактош-чиғанок, оҳактош (цемент ва оҳак ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактошдан ташқари), доломитлар, курилишда ишлатиладиган майда тошлар, базальт, гранодиоритлар, граносиенитлар, сиенитлар, порфиритлар, диабаз-порфиритлар, габбро, сланец жинслари, карбонат хомашёси, травертин	5, бироқ 6 591 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
	Табиий безактошдан блоклар	5, бироқ 10 700 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
	Мармар	5, бироқ 21 400 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
	Гранитлар	5, бироқ 32 100 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
	Гипс тоши, гипс ва ангидрид, ганч	5, бироқ 17 066 сўм/тоннадан кам бўлмаган
	Ғишт-черепица хомашёси, лёсслар ва лёссимон жинслар	5, бироқ 4 943 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
	Қурилиш куми, кумтошлар, кум-шағал аралашмаси**	5 350 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
	Оҳак ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактош, фарфор хомашёси, керамзит хомашёси, мергел, аргиллитлар, вулкон жинслари, пелитли туффитлар, минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт, диабаз, глиеж, андезибазальт, темир таркибли қўшимчалар, магнетит-гематитли жинслар ва бошқа норуда курилиш материаллари ҳамда кенг тарқалган фойдали қазилмалар	5

»;

57) 461-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар (бундан буён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) солиқ даврида жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (бундан буён ушбу бўлимда юридик шахслар деб юритилади);

2) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар»;

иккинчи қисми:

1-бандидаги «якка тартибдаги тадбиркорларга» деган сўзлар «якка тартибдаги тадбиркорларга ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **15-банд** билан тўлдирилсин:

«15) заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва (ёки) уларни сотиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига»;

58) 462-модда:

иккинчи қисмидаги «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Ушбу Кодекс 461-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар айланмадан олинадиган солиқни тўлаш ўрнига қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтишга ҳақли»;

олтинчи – йигирма биринчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – ўн тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

еттинчи қисмидаги «якка тартибдаги тадбиркорлар» деган сўзлар «якка тартибдаги тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар янги ташкил этилган юридик шахснинг жами даромад суммаси, янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорда ёки ўзини ўзи банд қилган шахсда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад суммаси бир миллиард сўм уч юз олтмиш бешга бўлинган ва солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган санадан то календарь йил тугагунига қадар бўлган кунлар сонига кўпайтирилгандаги суммадан ошса, у ҳолда бундай шахслар рўйхатдан ўтилган йилдан кейинги йилдан эътиборан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтади»;

ўн учинчи қисмидаги «юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар» деган сўзлар «юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **йигирманчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзини ўзи банд қилган шахслар солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошган ёки қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ихтиёрий тартибда ўтганидан эътиборан солиқларни (бундан ижтимоий солиқ мустасно) ушбу Кодексга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда тўлайди»;

59) 465-модда:

номи ва биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«465-модда. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқ базаси бўлиб, уларнинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган, ушбу Кодекснинг 463-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган жами даромади ҳисобланади»;

иккинчи қисмидаги «якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлар «якка тартибдаги тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «якка тартибдаги тадбиркорнинг» деган сўзлар «якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки ўзини ўзи банд қилган шахснинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи – еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг тўлов ташкилотларининг рақамли платформалари орқали товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган бир миллиард сўмгача бўлган даромадлари бўйича тўлов ташкилотлари солиқ агенти деб эътироф этилади.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича юридик шахслардан олган бир миллиард сўмгача бўлган даромадлари бўйича ушбу юридик шахслар солиқ агенти деб эътироф этилади. Бунда ўзини ўзи банд қилган шахслар тўлаши лозим бўлган солиқ юридик шахслар томонидан солиқ органларининг хабарномаси асосида тўлов манбаида ушлаб қолинади.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилганидан бошқа ҳолларда, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича солиқларни тўлаш ва ҳисоботларни тақдим этиш ишлари ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришдан олинган даромадларига нисбатан ушбу Кодекс 381-моддасининг биринчи қисмида белгиланган ставкада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади»;

60) **467-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ ставкалари қуйидаги микдорларда белгиланади:

Т/р	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги солиқ тўловчилар, бундан 2 – 5-бандларда назарда тутилганлар мустасно	4
2.	Чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчилар	
2.1.	жойлашган жойига қараб:	
	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
2.2.	жойлашган жойидан қатъи назар, тамаки маҳсулотларини реализация қилишдан товар айланмаси бўйича	4
3.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи, сараловчи, сақловчи ва қадоқловчи тайёрлов ташкилотлари	товар айланмасининг 4 ёки ялпи даромаднинг 25
4.	Ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон Чернобилчилари» ассоциацияси бўлган, умумий сонида ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва 1941 – 1945 йиллардаги меҳнат fronti ветеранлари 50 фоиздан кам бўлмаган ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва 1941 – 1945 йиллардаги меҳнат fronti ветеранларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган солиқ тўловчилар	0

5.	Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар	1	»;
----	---	---	----

61) **468-модданинг тўртинчи қисмидаги** «14» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин;

62) **470-модда:**

учинчи қисмининг биринчи хатбошиси «солиқ тўловчи» деган сўзлардан кейин «(солиқ агенти)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 465-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган якка тартибдаги тадбиркорларнинг ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича солиқ ҳисоботлари солиқ агентлари томонидан ҳар бир якка тартибдаги тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс кесимида тақдим этилади. Бунда ҳисобланган ва тўланган солиқ ҳисоби якка тартибдаги тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс солиқ тўловчи сифатида ҳисобда турган жойдаги солиқ органидаги солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағида юритилади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

бешинчи қисми «даври учун» деган сўзлардан кейин «солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

63) **471-модданинг учинчи қисмидаги** «ер солиғи, мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни» деган сўзлар «ер солиғини ва мол-мулк солиғини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

64) **473-модда:**

биринчи қисмидаги «мол-мулк солиғидан, ер солиғидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан» деган сўзлар «мол-мулк солиғидан ва ер солиғидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«2026 йил 1 апрелдан эътиборан махсус иқтисодий зона иштирокчиси мақомини олган солиқ тўловчиларга нисбатан фойда солиғи бўйича имтиёз ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, киритилган инвестициялар ҳажмига қараб белгиланадиган муддатга амортизация қилинадиган асосий воситаларни тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқи тарзида қўлланилади»;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмидаги «Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

65) **474-модданинг иккинчи қисмидаги** «473-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «473-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

66) **483-модда:**

иккинчи қисми:

4-бандининг биринчи хатбошисидаги «392 ва 408-моддаларида» деган сўзлар «408-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-бандидаги «429-моддасининг тўққизинчи қисмида ва 437-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар «429-моддасининг ўн иккинчи қисмида ва 437-моддасининг олтинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **саксон олтинчи – бир юз иккинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Мева-сабзавот маҳсулотларини замонавий қадокларда реализация қилувчи куйидаги барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари 2025 йил 1 майдан 2028 йил 1 январга қадар фойда солиғини ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди:

хар ойда хар бир ходимга иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда;

ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида замонавий қадокланган мева-сабзавот маҳсулотларини реализация қилишдан олинган даромад улуши 50 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга. Бунда мазкур даромадлар улуши тегишли ваколатли давлат органининг фитосанитария сертификати ва божхона юк декларацияси асосида аниқланади.

2025 йил 1 июлдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда:

болалар учун мўлжалланган контентлар яратишдан олган даромади жами йиллик даромадининг камида 80 фоизини ташкил этган юридик шахслар, шунингдек Болалар контентини ривожлантириш маркази шундай контентларни реализация қилишдан олган даромадлари бўйича фойда солиғини тўлашдан озод қилинади ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;

юридик шахсларга болалар учун мўлжалланган контентлар яратиш билан боғлиқ бўлган харажатларини фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташлаш ҳуқуқи берилади.

Пахта-тўқимачилик кластерлари, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари 2025 йил 1 сентябрдан 2028 йил 1 сентябрга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

Ушбу Кодекс 289³-модда биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган полиэтилен гранулалари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда аниқ техник параметрлар асосида шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кирилганда, 2025 йил 1 сентябрдан 2028 йил 1 январга қадар акциз солиғидан озод қилинади.

Илк марта айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтган тадбиркорлик субъектларига бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи ёки мол-мулк солиғи суммасини 2026 йил 1 январдан 2030 йил 1 январга қадар олти ой давомида бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, бироқ ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3,5 бараваридан ошмаган миқдорда камайтириш ҳукуқи берилади.

Ушбу модданинг тўқсонинчи қисмида белгиланган тартиб тадбиркорлик субъекти бухгалтерияни ташкил этиш учун бухгалтер билан тузилган меҳнат шартномаси ёки бухгалтерия хизматлари кўрсатиш бўйича аутсорсинг шартномаси асосида қўлланилади, бундан тадбиркорлик субъектининг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш вазифасини ўз зиммасига олган ҳоллар мустасно.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар 2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи базасини заргарлик буюмларини ва ярим тайёр маҳсулотларни реализация қилиш нархи ҳамда уларнинг таркибидаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Ушбу Кодекс 246-моддасининг 6-бандига мувофиқ олиб кирилган, мебель саноатида фойдаланиладиган технологик асбоб-ускуналар дистрибьюторлар томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга реализация қилинган тақдирда, 2030 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи базаси мазкур асбоб-ускуналарни сотиб олиш нархи ва реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

2028 йил 1 январгача бўлган даврда:

автотранспорт воситаларини электр энергияси билан қувватлантириш станциялари, шунингдек бундай объектлар билан банд бўлган ер участкалари учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ушбу солиқлардан ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида тўланади;

солиқ тўловчилар автотранспорт воситаларини электр энергияси билан қувватлантириш бўйича хизматлар кўрсатишдан олган даромадлар ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 50 фоизини ташкил этган тақдирда, улар шундай хизматлар кўрсатишдан олинган даромад бўйича фойда солиғини тўлашдан озод этилади;

автотранспорт воситаларини электр энергияси билан қувватлантириш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган даромад айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ базасидан чегириб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармасининг дивидендлар тарзидаги даромадлари 2030 йил 1 январга қадар фойда солиғидан озод қилинади.

Миллий фильм ва сериаллар ишлаб чиқариб, уларни реализация қилишдан олинган даромади жами йиллик даромадининг камида 80 фоизини ташкил этган юридик шахслар шундай миллий фильм ва сериалларни реализация қилишдан олган даромадлари бўйича 2026 йил 1 январдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда фойда солиғини тўлашдан озод қилинади ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

Ўз эҳтиёжи учун гипс хомашёсини казиб чиқарувчи ва ундан тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан гипс хомашёсини казиб олганлик учун белгиланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2026 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар 50 фоиз миқдорда қўлланилади.

Иссиқхона фаолиятдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 60 фоизини ташкил этган иссиқхона хўжаликлари ижтимоий солиқни 2026 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

Ишчиларининг ўртача иш ҳақи миқдори ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган маҳаллий саноат корхоналарининг ишчиларни ташиш ва овқатлантириш билан боғлиқ харажатларидан ҳар бир ходим учун бир ойда бир базавий ҳисоблаш миқдоригача бўлган қисми 2026 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар ижтимоий солиқ базасидан камайтиради.

Ушбу модданинг тўқсон тўққизинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзи қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:

ипакчилик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, электротехника, фармацевтика, мебелчилик, кимё, парфюмерия, косметика, автомобиль, металлургия саноати корхоналарига;

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини реализация қилишдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича олган жами даромадининг 60 фоизидан кўп бўлган солиқ тўловчиларга.

2028 йил 1 январга қадар:

иссиқхона хўжаликлари томонидан кредит мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли тижорат банклари балансига ўтган иссиқхоналар ва улар билан боғлиқ гаров таъминотида бўлган кўчмас мулк объектларини тижорат банклари томонидан реализация қилиш бўйича айланмалар қўшилган қиймат солиғини тўлашдан;

тижорат банклари иссиқхона хўжаликларининг кредит мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли ўз балансига қабул қилган иссиқхоналар ва улар билан боғлиқ бўлган гаров таъминотидаги кўчмас мулк объектлари бўйича ер солиғини тўлашдан озод этилади.

2026 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар бўлган даврда ўрта ва паст орбитали йўлдош алоқа тармоқларини Ўзбекистон ҳудудида марказий ер станцияси орқали ташкил этиш билан боғлиқ бўлган лойиҳалар доирасида:

қурилмаларни, дастурий маҳсулотларни, эҳтиёт қисмларини ва бутловчи қисмларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан;

йўлдош алоқа тизими орқали кўрсатилган йўлдош алоқа тармоқлари операторларининг хизматлар кўрсатиш бўйича айланмаси қўшилган қиймат солиғидан;

марказий ер станциялари, терминаллар ва йўлдош алоқа инфратузилмасининг бошқа актив қурилмалари жойлаштирилган телекоммуникация иншоотлари ва уларнинг ер майдонлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғидан;

йўлдош алоқа тармоқлари операторларининг яратилган йўлдош алоқа тизими орқали хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси фойда солиғидан озод этилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат бож тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар; 2025 йил, № 1, 4, 6-моддалар, № 2, 188, 189, 195, 197-моддалар, № 4, 519-модда, № 5, 648-модда, № 7, 828-модда, № 8, 968, 971-моддалар, № 10, 1153-модда, № 11, 1237-модда) **15-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «шунингдек хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини, шунингдек камида олти ой давомида ўзини ўзи банд қилган шахсларни яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс сифатида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган **«Аҳоли бандлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–642-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 8, 818-модда, № 9, 958, 968-моддалар, № 10, 1079-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 5, 648-модда, № 11, 1233-модда) **36-моддасининг биринчи қисми** чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–677-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда, № 11, 1193-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 6, 730-модда, № 8, 971-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

1) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тадбиркорлик субъекти ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотларининг рўйхатини юритиш ва ушбу субъект ихтиёрий равишда тугатилганда солиқларга доир хулосалар бериш тартибини белгилайди»;

2) **33-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аудиторлик ташкилотининг штатида солиқ маслаҳатчиси мавжуд бўлганда ёхуд шартнома шартлари асосида уни жалб этган ҳолда, солиққа оид қонунчиликни қўллаш, солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китоблар, декларациялар тузиш юзасидан маслаҳатлар бериш, шунингдек йиллик айланмаси охириги уч йил ичида ўн миллиард сўмдан ошмаган ҳамда солиқ хавфи даражаси ўрта бўлган солиқ тўловчининг уни ихтиёрий равишда тугатиш чоғида солиққа оид қонунчиликка кўра даъво қилиш муддати ўтмаган охириги солиқ аудитидан кейинги даврда солиқ мажбуриятлари бажарилиши бўйича хулоса бериш».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 4 августда қабул қилинган «**Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида**»ги ЎРҚ–787-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 8, 788-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **19-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижознинг (ишонч билдирувчининг) солиқ даври учун солиқ мажбуриятларининг бажарилиши, шу жумладан ихтиёрий равишда тугатилаётган, товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича йиллик айланмаси охириги уч йил ичида ўн миллиард сўмдан ошмаган ҳамда солиқ хавфи даражаси ўрта бўлган солиқ тўловчининг уни ихтиёрий равишда тугатиш чоғида солиқ тўғрисидаги қонунчиликка кўра даъво қилиш муддати ўтмаган охириги солиқ аудитидан кейинги даврда солиқ мажбуриятлари бажарилиши бўйича хулоса бериш»;

2) **23-модданинг еттинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йиллик айланмаси охириги уч йил ичида ўн миллиард сўмдан ошмаган ҳамда солиқ хавфи даражаси ўрта бўлган солиқ тўловчи ихтиёрий равишда тугатилганда, мазкур хулосани бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилоти берган солиқ маслаҳатига оид хулоса солиқ органлари томонидан тан олинади».

9-модда. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ имтиёзларини беришга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 1 январга қадар қабул қилинган қарорларида назарда тутилган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар муддати уларнинг амал қилиш муддатига қадар амал қилади ва уни узайтиришга йўл қўйилмайди.

Солиқ тўловчилар учун айланмадан олинadиган солиқ ставкасини пасайтириш тарзида тақдим этилган имтиёзлар айланмадан олинadиган солиқни 2026 йил 1 январдан эътиборан 1 фоиз миқдорда тўловчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонун 4-моддаси 4-бандининг саккизинчи – йигирманчи хатбошилари қоидалари 2026 йил якунларига кўра, 2027 йилдан эътиборан қўлланилади.

Ушбу Қонун 4-моддаси 37-бандининг қоидалари кучга киргунига қадар бўлган даврда пасайтирилган фойда солиғи ставкасини қўллаш бўйича имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган солиқ тўловчилар 2026 йил давомида мазкур имтиёздан фойдаланишга ҳақли.

2026 йил 1 январгача қабул қилинган солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган фойда солиғи бўйича имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амалдаги тартиб асосида қўлланилади.

Ушбу Қонун 4-моддаси 63-бандининг ва 64-бандининг иккинчи хатбошиси қоидалари кучга киргунига қадар бўлган даврда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ имтиёзларидан фойдаланишни бошлаган тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахслар ҳамда махсус иқтисодий зона иштирокчилари мазкур имтиёзларнинг амал қилиши муддати тугагунига қадар улардан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

12-модда. Ушбу Қонун 2026 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 4-моддаси 52-бандининг олтинчи хатбошиси ва 54-бандининг олтинчи хатбошиси 2025 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 4-моддаси 55-бандининг еттинчи хатбошиси 2027 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 4-моддаси 66-бандининг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилари қоидалари 2025 йил 1 майдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 4-моддаси 66-бандининг тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилари қоидалари 2025 йил 1 июлдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 4-моддаси 66-бандининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилари қоидалари 2025 йил 1 сентябрдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2025 йил 25 декабрь
№ ЎРҚ–1108